

ШАРТНОМА 7

Қизилтепа тумани

«02» Февраль 2022 й.

Қизилтепа Почта Алоқа Боғламаси (кейинги уринларда «таъминотчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар Б.Хамроев. иккинчи томондан Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси (кейинги ўринларда «буюртмачи» деб юритилади) Низом асосида фаолият юритувчи номидан раҳбар Ф.Ф.Жумаев ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## I Шартнома предмети.

1.1 “Таъминотчи” “Буюртмачи”нинг буюртмасига асосан республика ва хорижий давлатларда чоп этилаётган даврий нашрларга обуна қабул қилади.

1.2 “Буюртмачи” “Таъминотчи”га обуна наслари учун ўз вақтида тўловларни амалга оширади.

1.3 “Таъминотчи” ва «Буюртмачи» учун товарларнинг (номи, маркаси, артикули)

| т/р | Товар номи           | Улчов<br>(бирлиги) | Хажми<br>(миқдори) | Нархи                             | КҚС<br>сумма<br>си | Умумий<br>суммаси |
|-----|----------------------|--------------------|--------------------|-----------------------------------|--------------------|-------------------|
| 1   | “Халқ сўзи” газетаси | дона               | 10                 | 728 900<br>(10<br>ойлик<br>обуна) | КҚС<br>сиз         | 7289000           |
|     | жами                 |                    |                    |                                   |                    | 7289000           |

## II Тарафларни мажбурияти.

2.1 “Таъминотчи” “Буюртмачи”нинг обуна бўлган барча нашрларини йил давомида “Буюртмачи”нинг маъзилига етказиб бериб бориш мажбуриятини олади.

2.2 “Буюртмачи” етказилган матбуот нашрларини ўз вақтида қабул қилади ва нашрлар сони бўйича ҳисобот юритади.

2.3. “Таъминотчи” нашриётлар ёпилиши, обуна нашрларини чиқмай қолиши натижасида етказиб берилмаган нашрлар учун “Буюртмачи”нинг хоҳишига кўра етказиб берилмаган нашрлар қийматини (суммасини) “Буюртмачи”га қайтариш ёки унинг розилиги билан бошқа нашрларга кўчириб, обуна қилишни кафолатлайди.

2.4. “Буюртмачи” олинмаган, етиб бормаган журналларни олдинги номерини олмасдан кейинги номерини олган тақдирда 1 кун муддат ичида телефон орқали ёки ёзма равишда “Таъминотчи”га хабар беради. “Таъминотчи” етказиб берилмаган газета ёки журналларнинг ўша сонини топиб беришни ёки қийматини (суммасини) тўлаб беришни кафолатлайди. Агар «Буюртмачи» белгиланган муддатда олинмаган, нашрлар тўғрисида “Таъминотчи”га маълумот тақдим этмаса “Таъминотчи” йўқолган нашрларни топиб бериш ёки тўлаб бериш мажбуриятини олмайди.

## III Шартнома суммаси ва ҳисоб-китоб тартиби.

3.1. Мазкур шартноманинг умумий суммаси 7 289 000 (Етти миллион икки юз саксон тўққиз минг) сўмни ташкил этиб ҳар бир нашр учун сўмда ҳақ тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоб пулни кўчириш йули билан олдиндан 100% маблағни тўлаш йули билан амалга оширилади.

## IV Тарафларни жавобгарлиги.

4.1. “Таъминотчи” газета ва журналларни “Буюртмачи”га ўз вақтида етказиб берилишини таъминламаган тақдирда етказиб берилмаган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50% фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.2. “Буюртмачи” тўловни кечикитирилганлиги учун “Таъминотчи”га ҳар бир кун учун кечикитрилган тўлов суммасининг 0,4% фоизи миқдорида, аммо кечикитрилган тўлов суммасининг 50% фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## V Форс мажор жавобгарликдан озод этиш.

5.1. Томонларнинг хоҳиш истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (Ноқулай об-ҳаво, зилзила сув тошқини ва табиий офатлар (форс-мажор) туфайли) бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган) лиги шартнома шартларини бузган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечикитирилади.

## VI Бошқа шартлар